

Ҳаттотлик мактаби ташкил этилади



Ҳаттотлик мактаби ташкил этилади

Янгиликлар

05:51 / 05.02.2025 1097

Бу ҳақда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг кенгайтирилган йиғилишида маълум қилинди.

Қайд этилишича, ушбу мактаб бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш ҳамда уни жаҳонда янада кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази томонидан 100 нафар буюк ўзбек алломалари ҳақида ҳам қисқа метражли роликлар суратга олиш режалаштирилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг аҳамиятли томони шундаки, унда Ўзбекистоннинг таниқли тарихий шахслари, кашфиётлари, замонавий илм-фан ва техниканинг асосчисига айланган ўзбек олимлари, файласуфлар ва мутафаккирлари дунё юлдузлари — Морган Фриман, Дензел Вашингтон, Мел Гибсон, Бурак Озчивит, Бен Кингсли, Анжелина Жоли томонидан ҳикоя қилинади.